

## ЛИЦЕНЗИЯНГИЗ БОРМИ?

...маъмурий жазо кўлланилгандан сўнг 1 йил мобайнида яна шундай хукукбузарлик ҳолати содир этилган тақдирда йўловчи ташвиш-транспорти хукукбузарлик воситаси сифатида мусодара қилинади.

2 БҲТ

## ЭЪТИРОЗГА ҲАҚ ҚОЛМАСИН

Ушбу хатни ногиронлиги сабаб тўшакка миҳландиб қолган собиқ музалаим ёзмоқда. Т. Абдуҳалиқовода сингари қонун посбоналарининг саъй-ғайратлари кўлимга қадам олишимга туртки бўлади.

9 БҲТ

## СОВҒАДАН ЧИҚҚАН БОШ

Жамшидбек кўк целлофанини очди-ю, кўриб кетиб, рангги бўздек оқариб кетди. У гўшт деб ўйлаган нарса бўйнидан кесиб олинган одамнинг қалласи эди.

10 БҲТ

## КАСОФАТНИНГ КАСРИ

...газ паитасининг тўртала дўрагини охиригача очди. Чўнтагидан олган рўмолчани юзига яқин тутиб, бир неча сония тарадулладаниб турди. Жони ширин кўриниб, шекилли, яна чўнтагига тикиди.

12 БҲТ

Mustaqillik huquq demakdir

# Ҳуқуқ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

2007-yil 3-may, № 18 (539)

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING ЖИНОЯТ ҲАМДА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №3-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165-модда; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 314-модда, №12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №12, 656-модда) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) 186-модданинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«186-модда. Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадлини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташвиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш;

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги биринчи ва иккинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадлини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташвиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш,

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ушба ҳаракатлар баландга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан ўч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд ўч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

2) 186-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомаллага киритиш,

— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки ўч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушба ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олинган тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли решидивист томонидан;

г) хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушба ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса,

— етти йилдан ўч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомаллага киритишга ҳоқимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш,

— етти йилдан ўч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) қуйидаги мазмундаги 186-модда билан тўлдирилсин:

«186-модда. Чигитдан олинган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомаллага киритиш

Чигитдан олинган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомаллага киритиш,

(Давоми 3-бетда).

## Республика Бош прокуратурасида

2007 йил 27 апрелда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Рашидjon Кодировнинг Париж шаҳри Олий инстанция суди прокурори ўринбосари, аёллар ҳуқуқлари бўйича Париж ахборот маркази кенгаши аъзоси Французга Гийо хоним билан учрашуви бўлиб ўтди.

лик масалалари муҳокама этилди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизими, уларнинг асосий мақсадлари ҳамда вазифалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси ҳамда фаолиятининг бошқа устувор йўналишлари билан, оналик ва болаликни, оиланинг вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишнинг конституциявий кафолатларига асосланган,

боринчи жараёни ҳақида батафсил ахборот берилди.

Ўз навбатида Гийо хоним Франциядаги қонунчилик ва Франция ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг оилада аёлларга нисбатан содир этиладиган зўравонликка қарши кураш соҳасидаги фаолияти, жабранлуви-ларга кўрсатиладиган ёрдам, шунингдек Франциянинг ювенал аллия тизими фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

# Ҳуқуқий ҳамкорлик йўлида

Учрашувда Франция томонидан Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Бернар Арт, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича маслаҳатчи Хьюг Балтсинжер ва ҳамкорлик бўйича атташе Лоранс Фара, Ўзбекистон томонидан Бош прокуратуранинг халқаро-ҳуқуқий бўлим бошлиғи Баҳодир Абдувалиев, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи Толибjon Умаров, Бош прокуратура матбуот хизмати бошлиғи Светлана Ортиқовалар иштирок этдилар.

Учрашувда аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш, оиладаги зўравонликнинг олдини олиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ масалалар, шунингдек Франция ва Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги халқаро ҳамкор-

оилада аёллар ва болаларга нисбатан содир этиладиган, уларнинг ор-номусига, қадр-қимматига, ҳаёти ва соғлиғига таъовуз қилувчи турли зўравонлик кўринишлари учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи миллий қонунчилик билан таништирилди.

Шунингдек, меҳмонларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича Бош прокурор раҳис-барлигидаги Республика комиссияси фаолияти тўғрисида, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар, шу жумладан Франция билан ҳамда БМТнинг Болалар фонди ЮНИСЕФнинг Тошкентдаги ҳудудий ваколатхонаси билан ювенал аллия соҳасидаги, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний имкониятлари чекланган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий ҳамкорлик тўғрисида ва республикада суд-ҳуқуқ реформаларининг

Учрашув иштирокчилари ҳар иккала томонни қизиқтирувчи масалалар бўйича фикр алмашдилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика комиссияси фаолияти тўғрисидаги, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги материаллар меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Учрашув ишчилик вазиятида, ўзаро ҳурмат руҳида ўтди. Учрашув сўнггида томонлар суҳбатдан қониниш ҳосил қилганликларини ҳамда ҳамкасларнинг бундай бевоқиф мулоқотлари ҳар иккала давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ҳуқуқий ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва мустаҳкамлашга ҳисса қўлишини баён этдилар.

Хуршид БҮРИЕВ,  
Республика Бош прокуратураси бўлим катта прокурори

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 февралда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 660-П-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ах-

боротномаси, 2004 йил, №9, 160-модда) 9, 13, 14, 15 ва 16-моддаларининг амал қилиши 2013 йил 1 январгача тўхтатиб

турилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 27 апрел  
№УРҚ - 94

И.КАРИМОВ

Хоразм вилоят прокуратура органлари томонидан таълим муассасаларида иш ҳақининг берилишига оид қонунлар ижроси ўрганилганда, 97,1 миллион сўмлик ноқонуний тўловлар тўланиб, шундан 66,1 миллион сўми мансабдор шахслар томонидан ўзлаштирилгани аниқланди.

Иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг вақтида берилиши ходим иш сифати ҳамда самарадорлиги оширининг бош мезонидир. Кейинги пайтда халқ таълими соҳасида меҳнат қилаётганларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида ҳам

Шунга қарамай, Хива туманида 21 млн. сўм, Қўшқўпир туманида 10,1 млн. сўм, Урганч шаҳрида 4,9 млн. сўм, Урганч туманида 904,8 минг сўм, вилоят бўйича жами 37,4 млн. сўмлик ноқонуний ушламалар ушлаб қўлинган. Бу каби қонунга зид ҳолатлар Янгиариқ, Шовет, Богот, Хонқа, Янгибозор ва Гурлан туманлари халқ таълими бўлимларида ҳам аниқланди.

Қонунбузилиш ҳолатларини содир этган туман халқ таълими мансабдор шахсларига нисбатан MJTKнинг 49-моддаси билан маъмурий ишлар кўзгатилди.

ҳақи учун лимитдан 2,2 млн. сўм ортиқча молиялаштириб, 3,8 млн. сўм ортиқча харажатларга йўл қўйган. Фуқаро И.Қуръазов таълим бўлимида ишлаганда, унга 892,8 минг сўм ойлик тўланган. Қўшқўпир туман халқ таълими бўлими бош хисобчиси Ш.Саидов 439,6 минг сўм бюджет маблағлари иш ҳақи учун ортиқча молиялаштирилишига йўл қўйган.

Урганч шаҳар «Ёшлар ижодий маркази» раҳбари Ю.Маҳмудов ўз ишига ҳаддан зиёд «ижодий» ендашгани оқибатида унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан

## ҲАҚИНГИЗНИ ТЎЛИҚ БЕРИШЯПТИМИ?

ҳукумат томонидан кўплаб хайрли тadbирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳар бир ходим тегишли даврда тўланадиган иш ҳақининг таркибий қисмлари, ушлаб қўлинган пул миқдорлари ва унинг асослари, шунингдек, тўланадиган умумий пул суммаси тўғрисида ёзма шаклда ҳабардор қилиниши лозим. Лекин айрим халқ таълими тизими мансабдор шахслари томонидан иш ҳақидан коммунал тўловлар ва бошқа ушламалар ушлаб қўлингани тўғрисида ходимларни ёзма ҳабардор қилиш тугул Меҳнат Кодексининг 164-моддаси талабларига зид равишда уларнинг розиликлари ҳам олинмаган.

Ойлик ҳар бир ходимнинг қонуний ҳақи. Ундан ушламалар фақат ходимнинг ёзма розилиги ёки суд қарори билан ушланиши мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ўз вақтида узлуқсиз равишда фақат нақд пулда ҳар ярим ойда бир мартабадан ҳам бўлмаган ҳолда амалга оширилиши керак. Меҳнат Кодекси 161-моддаси талаблари ижроси ўрганилганда, Янгиариқ туманида 36,9 млн. сўм, Шовет туманида 78 млн. сўм, Богот туманида 95,7 млн. сўм, Хонқа туманида 97 млн. сўм, Хазорасп туманида 70,8 млн. сўм банк мансабдорлари томонидан ўз вақтида нақд пул билан таъминланмагани оқибатида иш ҳақларини тўлаш кечиктирилган.

Бундан ташқари текширишларда айрим мансабдорлар томонидан бюджет интизомини бузиш, «ўлиқ жон»ларга иш ҳақи тўлаш, ўзлаштириш каби жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилгани аниқланди. Урганч шаҳар халқ таълими бўлими мансабдор шахслари иш

жиноят иши кўзгатилди. У марказда тўғарақ лавозимида ишлаганидан Р.Отжаонов ва Ф.Пиржоновага 343,7 минг сўм иш ҳақи ёзиб, бу пулни ўзлаштириб юборган.

Халқ таълими муассасаларида ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, 11 та тақдимнома киритилди, 6 нафар мансабдор шахс қонунбузулишига йўл қўймаслик ҳақида оғохлантирилди. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 7 та жиноят иши кўзгатилди.

Келажагимиз бугунги ёшларнинг билим салоҳиятига боғлиқ экан, уларнинг таълим-тарбияси учун масъул бўлган халқ зиёлиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосий вазифаларимиздан бўлиб қолаверди.

Марсел АСҲАДУЛЛИН,  
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори

## ЛИЦЕНЗИЯНГИЗ БОРМИ?

Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортда йўловчи ташиш соҳасидаги тadbиркорлик фаолиятининг айрим турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган, соҳада фаолият юритаётган тadbиркорларга катта имкониятлар яратилди.

Янги талаблар бўйича лицензия олган корхонага аъзо бўлган автомашиналар лицензия варакаси билан таъминланмоқда. Қонуний тарзда иш юритилиши ҳайдовчилар учун бир қатор қўлайликларни ва молиявий янгиликларни яратди.

Агар автомобиль ҳаракати назар соладиган бўлса, туманимиз энг серкатор ҳудудлардан биридир. Бу ердан асосан вилоятнинг Андижон шаҳри, Асака ва Фаргона вилоятининг Кува туманларига қатнов амалга оширилади. Фуқаролар ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, кўрсатилаётган транспорт хизмати сифатини ошириш шу куннинг талабдир.

Яқинда туман прокуратураси туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда юқоридаги қарор ижросининг назорати бўйича тadbир ўтказди. Унда ҳукумат томонидан яратилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланишни хоҳламаётган «тadbиркор»лар ҳам мавжудлиги аниқланди.

Масалан, туманимиздаги Қорабоғиш ҚФЙда яшовчи Жўрабек Султонов ўзига тегишли бўлган автомашинасида юқоридаги қарор талабларини аввал ҳам кўпол равишда бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилганлигидан тегишли хулоса чиқариш ўрнига бундай хатти-ҳаракатни давом эттирган.

Маълумки, маъмурий жазо қўлланилганда сўнг 1 йил мобайнида яна шундай ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилган тақдирда йўловчи ташиш транспорти ҳуқуқбузарлик воситаси сифатида тасудора қилинади ҳамда ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахс қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Шунинг учун қонун ва қарорларга бўйсунгани ўзига эг қўрмаган Ж.Султоновнинг бу галги ноқонуний хатти-ҳаракати бўйича жиноят иши кўзгатилди. Хозирда тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Шунингдек, Т.Мирзаев ширкат хўжалигида яшовчи Аҳмаддон Аҳмедов, Шукрмерган ҚФЙда яшовчи Набижон Ҳамроев, Фарходбек Анаркуловлар уюшма аъзоси бўлса-да, кунлик тўловни амалга оширмасдан аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатганлиги маълум бўлди.

Ҳаётга тadbир этилаётган ҳужжатлар ижроси билан кўчди. Президентимизнинг юқоридаги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бундан буён ҳам давом эттирилади. Зеро, қабул қилинаётган ҳар бир қонун ҳамда қонунчиси ҳужжатининг тўб мазмуни энг аввало, инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Бахтиёр ОТАЖОНОВ,  
Мархамат тумани прокурори

## ХУФИЯ САВДО

Нафс. Баъзи инсонлар эл ичида бадном бўлгандагина унинг қули бўлиб қолганини тушуниб етди.

Масалан, фуқаро Замира Пармонованинг ишфони олиб қарайлик. У Муборак шаҳрида туғилган, оилали, 3 нафар воёга етмаган фарзанди бор. «Сетора» хусусий дўконига сотувчи бўлиб ишлаб келган Замира нима бўлди-ю, тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатномаси бўлмаса-да, акциз маркалари бўлмаган 300 қут «Рип» тамаки маҳсулотларини 165 минг сўмга сотган пайтда қўлга тушди. Бундан ташқари у 25 қут «Ваусе» қора чойини 20 минг сўмга сотётганда СВЖЗДЛҚК департаменти туман бўлими ходимлари томонидан ушланди. Ушбу ҳолат юзасидан Замира Пармоновага нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, Муборак туман судининг ҳукми билан тегишли жазага тортилди.

Туман ҳудудида юқоридаги каби ноқонуний савдо қилаётганлар талайгина. Жумладан, фуқаро Адолат Қаҳқорова 75 минг 900 сўмлик, Умид Бахриев 66 минг сўмлик, Уктам Очилов 24 минг сўмлик, Феруза Турсунова 78 минг сўмлик, Шавақт Шукуров 34 минг 400 сўмлик, Қодир Нуриев 150 минг сўмлик, Латофат Хидирова 35 минг 450 сўмлик, Завқидин Рўзиев 88 минг 100 сўмлик маҳсулотларни ноқонуний равишда сотётганликлари аниқланди, улар суд томонидан тегишли жазага тортилди.

Қонунсиз ҳаракат эса жазосиз қолмайди. Бунини қонунбузарлар унутмаслиги керак.

С.НАСРУЛЛАЕВ,  
Муборак туман прокурори ўринбосари

Давр тақозоси билан мулкка муносабат ўзгарди. Ташландиқ, қаровсиз ер, бино ёки иншоотлар ҳақиқий эгасини тоғча, улардан фойдаланиш самаралароқ бўлаётганга, асосийси, одамларга нафи тегаётганга гувоҳ бўлаётипти. Бироқ баъзи ҳолларда қонун кўзини шамғалат қилиб, турли қинғир йўллар билан мулк эгаси бўлишга уринаётганлар ҳам учраб турибди.

Кўп йиллар давомида Жондор туман мар-

Кейинги пайтларда бозор ва айрим дўконлар расталарида қўлбола усулда тайёрланган, сифат сертификатига эга бўлмаган спиртли ичимликлар кўпайиб бораётгани бор гап. Қўриқилган ҳақиқийсидан фарқ қилмайдиган бундай махсулотни истеъмол қилганлар ўз ҳаётлари ва соғлиқларини нечоғли хавф остига қўйишни тасаввур ҳам қилмайдилар.

Ҳўш, бошқаларнинг соғлигини хатарга қўйиб бўлса-да, даромад қилиш пайида бўлган тadbиркорлар охири-оқибат нимага эришадилар?

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Ширин» бозорига тирикчилик қилиб келаётган чирчиқлик Лобар Мусабоева (исмлар ўзгартириб берилмоқда) ана шундай «тadbиркорлар» сирасига кирди. У Қозғистонда ишлаб чиқарилган, яширин йўллар билан мамлакатнингизга кириб келаётган спирт маҳсулотлари савдосидан кўраётган фойдасига қаноат қилмаган шекилли, тезда тижоратнинг «сердаромадроқ»

йўлига ўтиб олди. Энди у сингилси Жамила билан қўлбола усулда ароқ тайёрлаб сота бошлади. Бунинг учун «Ширин» бозори яқинидаги сингилси яшаётган хонадонда ўзига хос «сехани» очди.

Бироқ, ҳар қандай қинғирликнинг ҳам миси чиқмай қолмайди.

## "ҚЎЛБОЛА БИЗНЕС" ЁКИ ОПА-СИНГИЛ АРОҚФУРУШЛАР

— 8 март байрами яқин. Эртанин арокнинг бозори авжига чиқади. Имкон борида пул ишлаб қилиш керак, — деди у сингилси Жамиланинги уйига Қозғистонда ишлаб чиқарилган, елим идишларда қадоқланган спиртни келтирар экан.

— Харидор топсангиз бўлди, опа. Идиш, қопқоқ, этикеткаларни тайёрлаб қўйганман, — деди судланмиш борасида опасидан ҳам ўтиб кетган

Жамилаxon.

Эртасига, аниқроғи 7 март куни Лобар Мусабоева қўлбола арокларини бозор яқинига олиб чиқиб пуллаб турганида эглик донга ароққа харидор чиқади. Олиб-сотди туғаб, пуллар саналаётган пайтда ДСИ ходимлари келишиб, тегишли ҳужжатларни

сўрашганда опа-сингил ароқфурушлар тузоққа тушганларини тушунадилар.

Илгари ҳам шунга ўхшаш жиноятлари учун бир неча бор судланган, амнистия тўғрисидаги қарордан қўтилиб қолишган опа-сингиллар бу сифар тегишли жазосини олишди.

Хуришд ЖАЛОЛОВ,  
Мирзо Улуғбек туман прокурорининг ўринбосари

# ҲАҚ ЎРНИДА ҚАРОР ТОПАДИ

казий касалхонасига қарашли кўз касалликлари бўлимида хўжалик ҳисобидаги жарроҳлик бўлими фаолият кўрсатиб келган эди. Аммо ушбу бино жомоа розилигисиз шу касалхона бош шифокорининг ўринбосари О.Алимовга сотиб юборилди. Бу ноқонуний ҳолат кўпчилик ходимларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Аслида кўз касалликлари бўлими биноси касалхона балансидан кўрсатилмаган. Аммо «ўзингники бўлса, ўйнае, биронинг ҳақини ўйлаб е», деган нақлни унутганлар бинода амалга оширилган таъмирлаш ишлари ва барча коммунал хизматлар ҳақини марказий

номаси тузилди. Шартномада «харидор» О.Алимов бир ой ичида «сотувчига», яъни Жондор шаҳарчаси фуқаролар йиғинига бино учун 6 млн. 741 минг 926 сўм тўлаши лозимлиги, акс ҳолда мазкур шартнома ҳақиқий эмас деб топилиб, «харидор» объектини сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши белгиланади. Бироқ О.Алимов томонидан айна дамгача бино учун бирор сўм ҳам тўланмаган.

Аслида Фуқаролик кодексининг 191-моддасига мувофиқ эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига

Юқоридаги ҳолатда эса бино ваколатли орган томонидан рўйхатга олинмаган. Судга ҳам мурожаат қилинмасдан, кўз касалликлар биноси касалхона ҳисобига олиниб, давлат мулкни бошқаришга ваколатли орган томонидан тасарруф этилиши ўрнига «Давлат тасарруфиндан чиқариш ва хуsusийлаштириш тўғрисида»ги Қонун талабларига зид равишда ушбу бино эгасиз деб эътироф этилган ва сотишга рухсат берилган.

Шунингдек, давлат мулкни сотиш республика ва маҳаллий давлат бошқаруви органи номидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркор-

лиқни қўлаб-қувватлаш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органилари орқали амалга оширилиши эътироф этилган бўлса-да, жавобгар мутасаддилар бу ҳолатни эътибордан четга қолдиришган.

Туман прокуратураси давлат манфаатларини қўлаб марказий касалхона ҳудудидagi кўз касалликлари биносини давлат ҳисобига ўтказиш, Жондор шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси ва фуқаро О.Алимов ўртасидаги

Маҳмуд БОЗОРОВ,  
Жондор туман прокурорининг катта ёрданчиси,  
Моҳира ШАКАРОВА,  
журналист



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ ҲАМДА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда маъқулланган

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.  
Ушба ҳаракатлар:  
а) кўп миқдорда;  
б) бир гуруҳ шахслар томонидан оқиндан тил бикиштириб;  
в) такроран ёки хавфли рецедивист томонидан;  
г) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, —  
энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.  
Ушба ҳаракатлар:  
а) жуда кўп миқдорда;  
б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —  
етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 25 апрель  
№ЎРҚ — 93

Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»-ги конституциявий қонун сиёсий партияларнинг ривожланиш истиқболларини белгилаб берди.

Дарвоқе, бугунги кунда сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги сиёсий фаоллиги тобора ортиб бораётганлиги кузатиляпти.

Аниқроқ қилиб айтганда, мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш, давлат ва жамият қурилиши тизимида сиёсий партиялар роли ва аҳамияти ортиб, улар фуқароларнинг сарф-харажатларида давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита кенг иштирок этишини таъминлашнинг ҳал қилувчи воситасига айланмоқда.

Мустанкилик йилларида Ўзбекистонда сиёсий партиялар ҳуқуқий институтининг пухта қонуний негизи яратилди. Жумладан,

ратлаштириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи кўплаб амалий ишлар қилинаётганини кўриб турибмиз. Ўзбекистоннинг ЕХХТ доирасидаги фаол иштироки ташкилотимиз фаолияти кўп қиррали ва самарали бўлишига олиб келди», деб таъкидлаган эди.

Сиёсий партиялар ҳуқуқий институтини доирасида сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциясининг ҳуқуқий мақоми, парламентдаги кўпчилик, ҳуқуқнинг тутган йўли, дастури ёки унинг айрим йўналишларига муҳолифат, муҳолифатнинг самарали фаолият юритиши учун қўшимча қасолатлар ва имтиёзлар, партия фракцияларининг ваколатлари ва имкониятларини кенгайтириш орқали қарорлар қабул қилиш жараёнини сезиларли демократлаштириш, фракцияларга ҳуқуқат раҳбарли, виллоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимлари учун номзодлар белгилаш жараёнига таъсир кўрсатиш имкониятини яратиш, ҳуқуқат фаолияти устидан парламент

белги алоҳида ажралиб туради: — биринчидан, сиёсий партия конституция ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат ҳокимиятини эгаллаш ва амалга ошириш (ёки амалга оширишда иштирок этиш) мақсадида сиёсий жараёнларда иштирок этувчи ижтимоий бирлашма ҳисобланади. Партия сайловлар орқали ижтимоий-сиёсий саҳнага чиқиб, қонун доирасида фаолият юритади;

— иккинчидан, партия ўзининг асосий ва устувор фикр-қарашларини, ғояларини, мақсадларини, кимларнинг манфаатларини ифода этишини ўзининг Дастурида эълон қилиши баробарида аз-золарини бирлаштирувчи ташкилот ҳисобланади. Бундай шароитларда ҳар қайси партиянинг ўз электорати — уни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий қатлами шаклланади, шу асосда партия ҳақиқий сиёсий кучга айланади;

— учинчидан, сиёсий партия — формал ташкилий тузилмага эга бўлган доимий асосда

# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИСТИҚБОЛИ

«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»-ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»-ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»-ги, «Фуқаролар сарф-харажатларининг кафолатлари тўғрисида»-ги ва «Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди.

Сиёсий партияларнинг фаоллашуви жараёнида муайян доирадаги сайловчиларни партиялар теварагига имконият даражасида бирлаштириш, овоз бериш ҳуқуқидан самаралироқ фойдаланиш, кўппартиявийлик тизими шароитида сайловчилар овозларини ўз фойдасига оғдиришнинг қонуний йўлидан унумли фойдаланиш мумкинлиги очик-равшан бўлиб қолмоқда.

Дарҳақиқат, муҳтарам президентимиз Ислам Каримов «кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириш учун керак», деб таъкидлаган эдилар.

Бу ўринда шуни ҳам унутмаслик кераки, муайян партиянинг нуфузини белгилаш борасида аниқ ҳисоб-китоблар юритиш имконияти борлиги учун сайловчилар тушунчаси муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон халқ-демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Адолат демократик партияси ва Миллий тикланиш демократик партияси тарафдорлари сонини, кимлар уларга овоз бераётганлигини, уларнинг ғоя ва дастурлари қай даражада қўллаб-қувватланаётганлигини эндиликда айнан демократик сайловлар аниқ кўрсатиши тайин бўлиб қолди.

Мамлакатимизга таширф буюрган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Испания қироллигининг ташки ишлар ва ҳамкорлик вазири М.А.Моратинос «Ўзбекистонда кучли демократик институтлар яратилганининг гувоҳи бўлдим. Жамиятнинг демок-

назорати каби ҳуқуқий дастаклар ишлаб чиқилди.

Кўриниб турибдики, сиёсий партиялар ҳақидаги нормаларнинг Конституцияимизга киритилишини давлат ҳокимиятининг фаолият кўрсатишида сиёсий партияларнинг нечоғлик зарурлигини эътироф этиш деб баҳолаш мумкин бўлади.

Бундай эътироф ўз навбатида ўз ғояси, мақсад ва вазифалари билан бир-бирдан фарқ қиладиган партияларнинг жамият сиёсий тузумидаги ва давлат ҳокимиятининг фаолиятидаги мавқеи тобора кучайиб бориши учун зарур бўлган шарт-шароит ва имкониятларни яратиш беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида назарда тутилган фуқароларнинг сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиши бўйича ҳуқуқларини рўйбағ чиқариш кафолатлари кучади, чунки қонун ҳужжатларида сиёсий партияларнинг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат билан муносабатлари муфассал белгилаб қўйилмоқда.

Фикримизча, сиёсий партиялар ҳуқуқий институтининг кейинги такомиллашуви босқичида биринчидан, партияларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва функциялари; иккинчидан, уларнинг ташкил топиши, фаолиятининг тўхтатилиши ва тугатилиши; учинчидан, партияларнинг мафқураси ва ташкилий тузилиши; тўртинчидан, партияларнинг молиявий ва тижорат фаолияти; бешинчидан, партияларнинг мамлакат сиёсий тизимининг бошқа институтлари, хусусан, муайян ваколатли органлари орқали давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабатлари; олтинчидан, партияларнинг халқро муносабатларини тартибга солиш масалалари қонун ижодкорлигининг истиқболдаги муҳим вазифалари бўлиб қолади.

Бинобарин, амалдаги миллий қонунчилигимизни таҳлил қилганимизда муайян ҳуқуқий институт сифатида сиёсий партияларга тааллуқли бўлган асосий учта

фаолият кўрсатадиган бирлашма ҳисобланади.

Бу ўринда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Хуршид Дўстмухаммедовнинг «партия фаолиятини кучли бошқарув аппаратини ташкил этмай туриб тасаввур этиш мумкин эмас», деган фикри бизнинг ҳулосамизга мос келади.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар ҳуқуқий институтининг ривожланиши моҳият-эътибори билан юртимизда давлат ҳокимияти демократик асосда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Бинобарин, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этадиган партияларга биринчидан, партияларнинг давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ва фаолият юритишида иштирок этиши, ўларнинг дастурий мафқураси ва қарашларини ташвиқот қилиши, ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиши, оммавий тadbirkorлар ўтказиши; давлат оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиши ва ўларнинг ахборот воситаларини таъсис қилиши; бошқа сиёсий партиялар билан коалициялар тузиш, ҳуқуқат дастурига нисбатан муҳолифатда бўлиш каби сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар; иккинчидан, мулк ҳуқуқи, яъни қонунда таъкидланмаган тижорат фаолияти билан шуғулланиш; давлатдан қонунда белгиланган тартибда молиявий ва бошқа қўринишда кўмак олиш каби ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин бўлади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда сиёсий партиялар ҳуқуқий институтининг ривожланиши бутун сиёсий тизимга, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар, мамлакатнинг демократик жиҳатдан янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларига самарали таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, халққа ҳам, жамиятга ҳам, фуқароларга ҳам, давлатга ҳам фарақат ижобий самара келтиради.

Толибжон УМАРОВ,  
Республика Бош  
прокуратураси бўлим бошлиғи

## ТАДБИРКОРЛИК ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

2007 йил 26 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида республика давлат бошқаруви органлари ва назорат идоралари раҳбарларининг Савадо-саноят палатаси вакиллари ва тadbirkorлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда тadbirkorлар манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди.

Учрашув қатнашчилари тadbirkorлар манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга оид қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳуқуқат қарорлари ҳамда уларнинг ижроси устидан прокурор назорати аҳоли билан таништирилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистонда тadbirkorликни ривожлантириш ва уларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароитлар яратилганлиги, бу борада тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоялаш ва уларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратиб келинаётганлиги қайд этилди.

Тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, уларнинг фаолиятини рухсатсиз текшириш, молиявий ва ишлаб чиқариш жараёнларига ноқонуний аралашини каби ҳолатларга қарши курашишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Биргина 2006 йил ва жорий йилнинг I-чорагида назорат ва ҳуқуқий муҳофиза қилувчи органларида ўтказилган назорат тadbirkorлари давомида 4023 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 5527 та прокурор назорат ҳужжатлари қўлланилди, ноқонуний ҳуқуқий ҳужжатларга 1600 та протест келтирилди, 846 нафар мансабдор шахс

оғозлантирилиб, 1907 нафар шахс маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди.

Тadbirkorлар ҳуқуқларини кўп оқинида бузиш ҳамда ноқонуний текширишлар ўтказиш юзасидан 99 та жиноят иши кўзга тилинди.

Айрим мансабдор шахслар томонидан тadbirkorларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашини ҳамда тadbirkorликни эркин ривожлантириш йўлида сунъий тўсиқлар яратиш ҳолатларига қатъий чек қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Шунинг билан биргаликда тadbirkorларнинг ўзлари қонун талабларига оғинамай рия қилишлари, солиқларни тўлашда ўз бурчларини виждонан адо этишлари ва ўз ҳуқуқларини фақат қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилиб боришлари лозимлиги таъкидланди.

Учрашувда Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Солиқ қўмитаси ва бошқа давлат бошқаруви идоралари раҳбарлари тadbirkorларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати

— Бузуғи кунда тadbиркорларнинг аксарияти ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб прокуратура органларида эмиш-эрши муурожаат қиломоқдалар. Улар кўпроқ қайси масалаларда ёрдам сўрамоқдалар?

— Аввало, тadbиркорлик субъектлари эркин фаолият юритишлари учун мамлакатимизда етарли ҳуқуқий асослар ва барча шарт-шароитлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг кейинги йиллардаги фармон ва қарорларига асосан тadbиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг бу соҳадаги маъсуляти, жавобгарлиги янада кучайтирилди. Прокуратура органлари ҳам уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Тadbир-

ти-ҳаракатлар юзасидан келиб тушган.

Ариза ва шикоятларнинг 1224 таси тadbиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг 888 таси бевосита прокуратура органлари томонидан ҳал этилди, 308 таси қаноатлантирилди.

— Тadbиркорларнинг шундай масалаларда муурожаатлари қўлаймишга қандай омиллар сабаб бўлмоқда?

— Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Бир томондан, уларнинг ҳуқуқий-ижтимоий фаоллиги ўсганлиги кузатилаётган бўлса, бошқа томондан, айрим вилоятларда тadbиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, турли тўсиқ ва суиистеъмолликларга барҳам беришга етарлича аҳамият берилмапти. Шу сабабли бундай муурожаатлар сони 2005 йилга нисбатан бир мунча кўпайган. Хусусан,

Бу каби қонунбузилишларга бошқа вилоятларда ҳам йўл қўйилган.

Айрим ҳолларда эса хизмат текшируви ҳужжатлари прокуратура органларига юборилмасдан содир этилган жиноятлар ҳисобдан яширилган. Хусусан, Самарқанд вилоят божхона бошқармаси ходимлари Ф.Махмудов, Ш.Юнусов ва бошқалар мансабларига совуққонлик билан қараганликлари оқибатида «Сам-Ларк Карпет» ва яна 9 та қўшма корхоналар томонидан ҳорикдан келтирилган ҳомашени расмийлаштириш жараёнида транспорт қаражатлари бўйича 539 миллион сўм бож тўланмасдан давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилганлиги ҳолати юзасидан ўтказилган хизмат текшируви ҳужжатлари прокуратура органларига юборилмасдан содир этилган жиноят яширилган. Вилоят прокуратураси томонидан ушбу ҳолат юзасидан ўтказилган текшириш асосида

органлар ва назорат идоралари ҳодимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳамда тadbиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ ариза, хабар ва бошқа маълумотлар асосида турли тоифадаги 1365 нафар мансабдор шахсга нисбатан 1076 та жиноят иши қўзғатилди, шундан 885 та жиноят иши бўйича 1173 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Уларнинг жиноятлари натижасида етказилган жами 14 миллиард 786 миллион сўм миқдордаги моддий зарарнинг 11 миллиард 325,7 миллион сўми ёки 76,6 фоизи терговда ундириб олинди. Бундай тоифадаги мансабдор шахсларнинг 249 нафари терговнинг қарори асосида лавозимларидан четлаштирилган.

Тахлилларнинг кўрсатишича, тadbиркорларнинг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликка тортилган мансабдор

Бухоро вилояти прокуратураси томонидан уларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши судга юборилган.

Айрим ҳолларда жиноят аломатлари мавжудлиги тўлиқ текширилмасдан асоссиз равишда жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилиши тadbиркорлик субъектларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Тилга олиб ўтилган давр мобайнида тadbиркорлик субъектларига нисбатан қўзғатилган 49 та жиноят иши жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли ЖПКнинг 83-моддасига асосан тугатилган. Ушбу жиноят ишларининг 6 таси божхона, 6 таси суд ва бошқа органлар томонидан асоссиз қўзғатилган.

Масалан, Навоий вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан тadbиркор У.Матъқубовга тегишли бўлган 240 қондаги 3.840 миң сўмлик ун маҳсулотни касса чеклари орқали нақд пулга сотиб

# ТАДБИРКОРЛАР ҲАМ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАМ МАНФААТДОР

корларнинг бирорта ҳам муурожаати прокуратура назаридан четда қолмапти, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувлар, турли маъмурий тўсиқлар қўйиш каби қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда.

Тахлилларга кўра 2005-2006 йиллар давомида прокуратура органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идораларини ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳамда тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ жами 9756 та ариза-шикоятлар келиб тушган. Уларнинг 7108 таси бевосита прокуратура органларида ҳал қилиниб, 1044 таси қаноатлантирилган.

Ариза, шикоят ва хабарларда суриштирув, тергов ва суднинг қароридан норозилик, таъмиргирлик, товар-моддий бойликларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ва шунга ўхшаш масалалар ўз аксини топган. Бундай таъшири, ариза ва шикоятларнинг 261 таси ноқонуний текшириш ўтказиш, 243 таси ноқонуний ушланганлик ва хиёсга олинганлик, 101 таси мулкни ўзлаштириш, 37 таси тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсатнома берилмаётганлиги, тadbиркорлик фаолияти асоссиз тўхтатирилганлиги, суъий равишда тўсиқлар ўрнатилганлиги, 5171 таси бошқа ноқонуний хат-

## Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи Олимхўжа НАБИЕВ билан суҳбат

2006 йилда бу тоифадаги ариза-шикоятлар Навоий, Қашқадар, Бухоро, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент шаҳрида ошган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан ариза-шикоятларнинг 4154 таси жиноят ҳақидаги ариза ва хабар сифатида текширилиб, 844 таси бўйича ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилган.

Яна бир ҳолат ҳақида тўхталыш жоиз. Айрим жойларда аризаларни кўришнинг қонунда белгиланган муддатларига амал қилинмапти. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш муддатлари ўрланганлиги улардан 3817 таси 10 кунлик, 309 таси 1 ойгача, 28 таси 1 ойдан ортқ муддатларда ҳал этилганлиги аниқланди. Масалан, фуқаро Н.Худойбердиевичнинг Самарқанд шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспектори Ш.Нурмаматовнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан 2005 йил 23 сентябрда берилган аризага бўйича текшириш ўтказиш сансалорликка солиниб, 4 ой ўтгандан кейин рўйхатга олинган ва текшириш ҳаракатлари олиб борилган.

ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Шунга ўхшаш Наманган шаҳар солиқ инспектори Д.Назаровга нисбатан ўтказилган хизмат текшируви ҳужжатлари прокуратурага юборилмасдан ўз вазифасига совуққонлик билан қарши оқибатида у томонидан давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилганлиги ҳақидаги жиноят яширилган.

Тахлиллар шуни кўрсатдики, 2005-2006 йилларда Бухорода 1 та, Тошкент шаҳрида 2 та, Тошкент вилоятида 7 та, Самарқандда 9 та, Жиззахда 11 та ва Наманганда 22 та ҳолатда тadbиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашмиш ҳолатларига йўл қўйилган. Прокуратура томонидан бу каби салбий ҳолатларга барҳам бериш чоралари кўрилди.

— Демак, кўрииб турибдики, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда фуқароларнинг муурожаатлари ҳам муҳим ўрин тутди. Прокуратура органларида уларни ҳал этиш юзасидан қандай чора-тадбирлар қўрилаяпти?

— Яна рақамларга муурожаат қилайлик. 2005-2006 йиллар мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

шахсларнинг аксарияти моддий манфаат қўриш максатида жиноят содир этганлар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари ходимларининг яширин иқтисодийга аралашмиш ҳолатларига чек қўйиш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўрилатганига қарамай бу соҳада камчиликлар ҳам мавжуд.

Масалан, Фарғона вилоят божхона бошқармаси инспектори М.Тошпўлатов «Равот» божхона пост орқали Тожикистон Республикасидан ноқонуний равишда олиб ўтилган жуда кўп миқдордаги этил спиритни Ю.Махкамовага етказиб берган. Ушбу спирт маҳсулотлари Қўқон «Улғуржи» савдо бозорида харидорларга сотилиши оқибатида 2006 йил март ойида Фарғона вилоятида фуқароларнинг зарарланиш ҳолатлари юз берган.

Шунингдек, Шеробод туман солиқ инспекторлари Ж.Мирзаев ва А.Абдуллаевлар «Реал Юниверсал» хусусий фирмасида текшириш ўтказиб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, солиқ ва бошқа тўловларни 78,1 млн. сўмга кам ҳисоблаб давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганликлари учун

олинганлиги ҳолати бўйича ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми билан асоссиз равишда жиноят иши қўзғатилган. Ушбу иш Қизилтепа туман прокуратураси томонидан ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилган ҳамда олиб қўйилган ун маҳсулотни тadbиркорга қайтарилган.

Бозор иқтисодиётига ўтмиш шароитида тadbиркорликнинг ривожланишидан нафақат ушбу тармоқ вакиллари, балки давлат ва жамият ҳам бирдай манфаатдор. Шунинг учун бу тармоқни равишга топтириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Жорий йилнинг 20 апрел кунги Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилишида ушбу масала яна бир бор атрафлича муҳокама қилинганлиги тadbиркорлар ҳуқуқлари ҳимоясига прокуратура томонидан катта эътибор қаратилаётганидан дан далолат беради. Мувофиқлаштирувчи кенгашда прокуратура органлари олдида тadbиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ариза ва хабарлари кўриб чиқилиши устидан прокуратура назорати самардорлигини ошириш борасида аниқ ваазифалар қўйилди.

Бахтиёр НАЗАРОВ,  
«Huquq» мухбири

# ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Маълумки, ҳар қандай қонун ижроси таъминлангандагина эзулиқча хизмат қилади. Бу вазифани юзага чиқаришда Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш Департаменти ва унинг жойлардаги бошқармалари фаолияти муҳим ўрин тутди.

Департаментнинг Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги бошқармалари фаолияти ўрганилганда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун талабларининг жиддий бузилиши ҳолатлари аниқланди.

Одатда ижрочилар ижро ҳужжати олинган кундан эътиборан уч кундан кенчиктирмай иш юритишни бошлаши керак. Лекин текширишларда айрим ижро бўлимларида қонуннинг ана шу талаби бузилганлиги маълум бўлди. Масалан, Термиз шаҳар ижро бўлимида қардор Н.Якубов ва ҳужжатлардан Қўқурон туман халқ таълими бўлими фойдасига 1 млн. 899 миң 600 сўмлик зарарни қоплаш юзасидан 2004 йил 30 ноябрдан буён ижро иши қўзғатилиши таъминланмаган.

Бу ҳам етмагандай, хизмат вазифасига лоялдилик қардорнинг мол-мулкни аниқлаш ва уни реализация қилишга қаратилган мажбурий чораларни кўрсатилган ижро ҳужжатлари-

нинг узок вақт ҳаракатсиз қолиши билан бирга ундирувчилар манфаатига зиён етишига олиб келган. Бунга фуқаро Ш.Тураевдан Д.Рўзиёв фойдасига 2 млн. 376 миң сўм ва давлат фойдасига 475 миң 200 сўм давлат божи ундириш ҳақидаги ижро варақаси 2004 йилдан буён ижро қилинмай келаётганини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Айрим ҳолларда эса суд ижрочилари ижрон қардорларнинг мулоҳага қаратмай ижронинг орқага сурилиб кетишига сабабчи бўлишган. Шунингдек, хатланган мол-мулклар маълум сабабларга кўра узок вақт баҳоланмай қолган. Масалан, Сурхондарё вилоят ҳўжалик судининг 2006 йил 18 сентябрда берган ижро варақасига асосан қардор «Абдулло» хусусий фирмасидан Термиз шаҳар ДСИ фойдасига 29 млн. 636 миң 594 сўм, қардор «Термиз қурилиш» унитар қор орасидан шаҳар ДСИ фойдасига 17 млн. 87 миң 262 сўм ундириш максатида қўзғатилган ижро ишлари бўйича қардорларнинг мол-мулкни ўтган йил декабрь ойида хатланган бўлса-да, ҳанузгача баҳоланмаган.

Айрим ижро бўлимлари фаолиятида мажбурий ижро этилиши керак бўлган қарорларни бажаришдан буён товлавтган шахсларни жиноят-процессуал қонунчилик доирасида жавобгарликка тортиш масаласи ҳал қилинмай ке-

линган. Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг қардор — Термиз шаҳар ҳокимияти ҳисобдан А.Каттақулов фойдасига 636203 сўмлик моддий зарарини ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори 2005 йилдан буён ижро этилмаётган бўлса-да, тегишли шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинмай қолдирилган.

Музаброт туманидаги «Қушон» супермаркет раҳбари томонидан вилоят ҳўжалик судининг 2005 йил 5 майдаги ҳал қилув қарори ижроси пайсалга солинган, туман ДСИ фойдасига ундирилиши лозим бўлган 2,1 млн. сўмлик қарзини қоплаш максатида қардорга тегишли дўконни хатлашга келган суд ижрочиларига қаршилик бўлса-да, бу ҳолатта процессуал баҳо бериш учун ваколатли органга муурожаат қилинмаган.

Алимент тўловларидан қардорлиги уч ойдан ошган К.Юсулов (Бухоро), Д.Рустамов (Ғиздуюв тумани), А.Ишмурадов (Музаброт тумани), Ф.Назаров (Термиз шаҳри) нисбатан ҳам тегишли ҳужжатлар жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун ваколатли органларга юборилмай қолдирилган.

Шу боис жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Бош прокуратура, Бухоро ва Сурхондарё вилояти прокуратуралари ташаббуси билан жи-

ноят кодексининг 122-моддаси аломати билан 70 дан ортқ ҳолатда жиноят иши қўзғатилган.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан маъмурий баённома тузмаслик, ҳуқуқбузарларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаслик, маъмурий ишлари белгиланган тартибда кўрсатилган ва ҳужжатлаштирмаслик оддий ҳолга айланган. Бундай ёндашуш оқибатида Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидан бир қанча фуқаролар содир этган ҳуқуқбузарлиги учун муддати ўтиб маъмурий жавобгарликка тортилганлар.

Қардор билан ишлашдаги нуқсонлар туфайли ўтган йил мобайнида Сурхондарё вилоятида ижро тизими ҳодимлари орасида ноқонуний қилмишлари учун жиноят иши қўзғатилган шахсларнинг лавозимларда яна ишлашларига йўл қўйилган.

Текшириш якунлари бўйича аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш тўғрисида Адлия вазирлигига тақдимнома киритилган. Мазкур тақдимнома муҳокама қилиниб тегили чора-тадбирлар белгиланган.

Равшан ҲАФИЗОВ,  
Азия ЭСМРГАПОВ,  
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурорлари



# Душанба TV

2007-йil 3-май, № 18 (539)

**Моҳият**  
Бу оламда яхшилар  
ила дўстлашсини  
ҳамма ҳам ҳуш  
кўради. Агар зўр  
булсанг, ёмонларни  
ҳам дўстга айланти-  
ра бил.

**Баҳоуддин НАҚШБАНД**

- 7-may, Dushanba**
- 07.00, 18.00 «Премьера» (узб)
  - 07.30, 08.30, 09.00, 10.50
  - 14.00, 16.30, 21.00 Узбек наво-лари
  - 08.00, 19.00 «Премьера» (рус)
  - 08.457, 13.00, 15.45, 17.30, 20.30 Мировые хиты
  - 10.00 «Сунмас орзулар»
  - 11.00 «Человеческое дитя» худ-фильм
  - 15.00 Телениня
  - 19.30 «Кулинар фантазиялари»
  - 19.30 Серил «Оперативный псев-доним» 9-серия
  - 22.00 X/ф «Трасса 60»
  - 00.10 Миксер

- 9-may, Chorshanba**
- 07.00, 08.30, 10.40, 12.45 Уз-бек наволари
  - 07.30 «Премьера» (рус)
  - 08.00, 18.00 Марказ NEWS (рус)
  - 08.10 Мировые хиты
  - 09.00 Серил «Оперативный псев-доним» 10-серия
  - 10.00 «Навбат» Рашид Холиков

- 10-may, Payshanba**
- 07.00, 10.00, 13.30, 14.30 Уз-бек наволари
Бу жараёнда жамoатчилик ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти бекёйс. Улардан унумли фойдаланиш, соғлом турмуш тарзини кенг ташвиқ қилиш, шунга яраша шарт-шарoитларни муҳайё қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига кириди. Ёш авлодда ватанпарварлик, инсонийлик каби

зғу тўйгуларни тарбиялашга болалиқдан бошлаб киришиш лозим.

Бизга соғлом авлод, унинг соғлом келажаги керак. Чет элдан янги, замонавий технологияларни олиб киришимиз. Аммо соғлом авлоднинг олиб кира олмаимиз-ку! Бизнинг вазифамиз уларнинг соғлом турмуш тарзини таъминлашдир. Ёшларимизнинг келажагини юқорида тилга оlingan иллатлардан асрай билиш бугунги кундаги энг муқаддас бурчимиздир!

Ринат ЯФАРОВ, Бекобод шаҳри

Жорий йил бошидан бери тахририятга келган ариза ва мактублар 280 тадан ортиқроқни ташкил этди. Ҳар галги сўзимизни тасдиқлаётган бўлсакда, яна бир бора шунини таъкидлардикки, манзил бўйича келган ҳар бир ариза имкoн қадар қўриб чиқилади, ўз навбатида тегишли муассасаларга юборилади ҳамда назоратга олинади.

2007 йилнинг 1 чораги ҳам якунланди. Маълумки, ҳеч қандай давр муаммо ва камчиликлардан холи бўлмайди. Буни келган хатлар мазмунидан ҳам билса бўлади.

«...Мана, бир неча йиллардан бери туманда қиш мавсумида газ билан таъминлаш даражаси қониқарсиз аҳволда. Йил ўтган сайин бу масалани ҳал этиш жуда катта муаммага айланиб бормоқда... Ҳозирги кунда, айниқса 25 ноябрдан бошлаб магистрал газ тармоғида газ босими кескин пасайиб, 10-20 атм. ўрнига 2-2,4 атм. га тушиб қолган. АГРС дан чиқиб

теъмоличлар аниқланди. Уларга қўшимча 317,7 минг м³ табиий газ миқдори (суммаси 9917,2 минг сўм) ҳисоб-китоб қилиниб, ундириб олинди», деб ёзади «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси Наманган вилояти филиаллари фаолиятини мувофиқлаштирувчи бошқармаси бошлиғи А. Акрамов.

Юқоридиги маҳалла хонадонларини табиий газ билан бир маромда таъминлаш мақсадида 2007 йилда муқаммал таъмирлаш режасига кўра «Узтрансгаз» АК томонидан узунлиги 1 км., диаметри 76 мм. бўлган ўрта босимли газ тармоғини 114 мм. ли газ тармоғига алмаштириш режалаштирилгани ҳақида маълум қилинади (2007 йил 13 феврал кунги жавоб хатидан).

Ёз кўнлари газга нисбатан эҳтиёж бир мунча камайиши мумкин, аммо қишда газга бўлган зарурат ҳаммага аён. Қиш олди тайёргарликлари бора-сида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилма-

қурори» 2006 йил 29 ноябрь, №48

«Туман ҳокимлиги ҳузурдаги яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкасига муҳтож бўлган фуқароларга ер участкаси ажратиш комиссияси томонидан 2007 йилнинг биринчи чорагида туман ҳудудидаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларига ер участкалари сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг аризасидаги тўлиқ ўрганиб чиқилиб, комиссия хулосасига кўра ер участкасига муҳтож бўлган оилаларга ер участкаси ажратиш масалалари кўриб чиқилади.

«Дарвишик» маҳалласида яшовчи А. Шералиевнинг ер участкаси ажратиш тўғрисида маҳалла фуқаролар йиғинида тақдим этган аризаси комиссия томонидан кўриб чиқилади», дейилади туман ҳокимининг 2007 йил 5 январдаги жавоб хатиди.

Ушбу жавобларни ўқиб ариза икoбий ҳал этилибди деб ўйлайди киши. Бироқ мактубдаги вақтинг бугунги кун-



Ҳаммаси бўлади оқей...

# Эътирозга ўрин қолмасин

босими 4 атм. ўрнига 0,4-0,5 атмосферани ташкил қилапти.

Юқоридиги ҳолатлар оқибатида туманинг 20-30 фоизиданига газ ёниб турибди, қолган жойларга етиб бормаяпти», деб ёзади Наманган вилояти Уйчи туманидан Хусниддин Қўриқов.

«Наманган вилояти бўйича шахар ва туманга филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан Уйчи тумани, Навоий кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Х. Қирғизов хонадонидидаги газ таъминоти ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам об-ҳавонинг кескин совутидан кўнлари меъёردаги босимда газ етиб бормаганини аниқлаган. Лекин Навоий маҳалласида қиш мавсумида газ етиб бормайдиган ҳудудлар рўйхатида киритилган ва туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган ҳамда ушбу ҳудудлар хонадонлари муқобил ёқилиш турларини жамғирини ҳақида оғохлантирилган», — дейди тахририятга берган жавобда «Узтрансгаз» АКси бош директори И. Вагапов.

Маълумоти кўздан кечирар эканмиз, ҳақиқатан ҳам ўтган йилги қиш мавсумида газ босимининг етарли эмаслиги сабабли зарур чоралар қўрилиши ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилиб, аҳоли оғохлантилган. Аммо, шундай бўлса-да, шикоят ёзилди. Сабаб нимда?

«Вилоят бошқарма ва туманга филиали томонидан ноқонуний истеъмоличларни аниқлаш, уларга нисбатан белгиланган тартибда чора қўриш мақсадида махсус гуруҳ тузилиб, иш олиб борилаётганда. 2006 йил мoбoйинда Уйчи тумани бўйича жамми 90 та ноқонуний ва қондабузарлик йўли билан табиий газдан фойдаланган ис-

са, қолаверса, «зангори олов ўғрилари» фаолиятига барҳам берилмаса, фуқаролар ҳали замон шикоят-ариза ёзишдан тўхтамайдилар. Лекин нима бўлганда ҳам бутун аризачининг норози кайфияти тегишли муассаса ходимлари томонидан бoриб ўрганилди: Энди ҳамма гап — аҳолининг дардига кулоқ солиб, газ таъминотини яхшилаш чораларини кўришда қолган.

«Водийгазтаъминот» унитар корхонаси Наманган вилоят филиаллари фаолиятини мувофиқлаштирувчи бошқармасининг мўлжалдаги режаларини амалга оширишга, ва албатта, аҳолининг миннатдор кайфиятида ёзилган мактубларига умид қилиб қоламиз.

Шўрчи туманида яшовчи фуқаро Э. Холиқовнинг меросини тақсимлашда, Тўрткўл тумани Улибoқ қишлоғидан Н. Бабаевнинг уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб беришда ёрдам сўраб ёзган аризалари Қоракўлпоғистон Республикаси ва вилоят прокуратуралари томонидан тегишли чора қўриш учун назоратга олинган.

Ўтган 2006 йилда Пойарик тумани «Дарвишик» маҳалласида яшовчи фуқаро А. Шералиевнинг яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкасига муҳтожлиги тўғрисида тахририятга ёзган аризаси юзасидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг қуйидаги жавоби эълон қилинган эди: «...Аниқланишча, ҳақиқатан ҳам А. Шералиевнинг 0,16 гектарли ер участкаси мавжуд бўлиб, бу ерда уч хўжалик, яъни ўзи оиласи билан, фарзандлари Шералиев Зафар ҳамда Шералиев Зарифлар оиласи билан яшаб келимоқда.

Аризасига ер майдонини бериш тўғрисидаги ҳужжатлар маҳалла фуқаролар йиғини томонидан туман ҳокимлигига тақдим этилди. Х.Субхоқов, Пойарик туман про-

гача қўриб чиқилмагани қизиқ.

Маълумки, кўп болали ҳамда кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз томонидан икки ва ўн олти ёшгача бўлган болаларга нафақа пуллари бeриб келинади. Аммо шундай бeминнат ёрдамнинг ўз эгаларига етиб бoришида ров бўлаётган ҳуқуқбузарларнинг инсофисизларча ҳаракатлари аҳоли эътирозларига сабаб бўлаяпти. Жумладан, Нишон тумани «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро З. Исмоиловнинг аризаси ҳам шу мазмунда битилган. Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан олиб бoрилган текширишда ДТ «Халқ банки» Янги-Нишон филиали назоратчи-ҳисобчиси Ж. Қулманов мансаб мавқeидан фойдаланиб, ўзига ишончи топирилган маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчиларнинг жуда кўп миқдордаги нафақа ва моддий ёрдам пулларини имзоларини сохталаштириш йўли билан ўзлаштириб талон-тароқ қилганиги аниқланган.

Ж. Қулманов терговдан яширинганлиги сабабли 2006 йил 24 ноябрь кунини унга нисбатан қидирув эълон қилиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарилиб, жиноят ишчи бўйича тергов ҳаракатлари ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми, 2-бандига асосан тўхтатилган.

Ҳаётда инсон ўзидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади. Аммо бу ҳислат ҳаммага ҳам хос бўлавермас экан. «Энг ҳалокатли хатоликларимиздан бири» — яхши ишларни ҳам ёмон бажариб, уни барбод қилишимиздир» дея нахл қиларди алломалардан бири. Ж. Қулмановга ўхшаган айрим кимсалар хайли ишларнинг барбодчилири бўлиб қолмаётими? Бироқ бузқоннинг югуригани сомонхонагача бўлгани каби улар албатта қонун олдида жавоб бeрадилар.

Маъмура ДУСИЯРОВА

### Minnatdorchilik

Ушбу хатни ногиронлиги сабаб тўшаққа мисланиб қолган собиқ муаллим ёзмақ. Узининг иш фаолиятида меҳр-муруват кўрсатишни, бoқувчисини йўқотган, ногирон, муҳтож одамларга ёрдам қилиши чўзишини инсоний бурч деб биладиган Т. Абдуқолиқзода сингари қонун посбонларининг сабий-ғайратлари қўлимга қалам олишимга тўртки бўлди.

## БИР КўНГИЛ ИМОРАТИ...

Ётган жойимдан ҳовлимиз кўзга қафтдек ташланиб туради. Ниғоҳларим дунёнинг бир тутамини дерзанинг кўзлари орқали қамраб олади. Яшариш, янгилаш фaслининг элчиси - кўлмандан, унинг қамалак жилосидаги тароватидан кўнгил олам-олам завқ, бeмисл шодлик олади.

Шундай тўйгуларга ошно кўнларимнинг бирида ташқарида икки-уч кишининг соялари кўринди. Дарича тақиллади, уйдагилар бoриб эшикни очиди. Ташқарида кўнлариди совға-салом кўтариб олган кишилар каминани сўрашди.

Ичкарига тақлиф этилган меҳмонлар уйга кириверишда бир зум тўхташди. 25-30 ёшлардаги кўркам йиғит ичкарига киришга изн сўраган, қолган йиғитларни таништирди:

— Бу киши туманимизнинг янги прокурори Талъат Аббосович бўлади. Сизни йўқлаб, Наврўз байрами билан прокуратура номидан табрикламоқчилар.

Бу ташрифдан бир муддат тилим қалимага келмай қолганим қолдим. Галпинг рости — бундай бўлишини кутмагандим. Талъат ака вужудимни қамраб олган хижолатни тарқатиб юбормоқчидай, худди илгари ҳам бу хонадонга тез-тез келиб турган танишдай мен билан қўли олиб кўришди.

— Яхшимизсиз, Илҳом ака? Фарзандлар, набиралар омон-эсон юришибдими? Кўринишигиз бinoий. Одам тафтини одам олади, деб бир йўқлаб келгандик. ...Ижод қилар экансиз, бизниям муҳлис-ларингиз сағига оласиз энди...

Кўнглим юксалиб кетди. Севинганимдан кўзларимга ёш келганини ҳам сезмабман.

— Утиринлар... Юқорига чўкинглар. Сизларга қандай миннатдорчилик бидиришгайм тилим ожиз. Илоё, мартабанигиз бунданда улуг, тани жонингиз омон, ризқингиз бутун бўлсин!

— Утириш қочмас, ака. Бир кун насиб этса бафуржа гурун қиламиз. Ҳозир яна борадиган жойларимиз бор. Хафа бўлиш йўғ-а?

Хатто у киши каминанинг китобга қизиқишини биллиб, бежирим, нафосат билан чоп этилган аjoyиб китобни ҳада этди.

Савоб ишини ҳар ким, ҳар кун қилиши керак, деганларидек Талъат ака «Қачон байрам келаркин?», «Қачон сайил бўларкин?» дея қутиб ўтирмасдан эл-улус дуосини олишга сазий-ғайрат қилган. Унинг эътибори билан туманимизда 15-20 нафар киши ногиронлар аравачалари, яна қанчаси зшитиш мосламалари ва бошқа ортопедик жиҳозлар билан таъмин этилибди.

Талъат Аббосович туманимиз аҳолисининг олқошига сазовор бўлаётгани ҳақида бoт-бoт эшитар эканман, кўнглимдан шундай ўй кeчади:

«Талъат ака сингари яхши одамлар кўп дунёда. Улар меҳр-оқибати, эътибори билан ҳали қанчадан-қанча шикаста дилларнинг дардига малҳам, кўнглиларига ҳамдам бўлишадими... Бир хастанинг кўнглини шод айлаш, минг Макка зиёратидан улуг, деганлари шумикин... Ишоллоҳ!»

Илҳом ҲАФИЗОВ,

1-гуруҳ ногирони Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, Лоийи шаҳарчаси Амир Темур кўчаси, 9-уй

## Үн йилдан кейин Очилган жиноят

— Эшитдингизми, — деди хайратомуз оҳангда Тамара опа кўшниси Антонина холага, — Головановларнинг ўғли Андрей котилликда айбонаётган экан. Икки кўшни Андрейнинг нақадар одобли ва ақллиги хусусида яна анча гаплашиб ўтиришди. Хўш, кўшниларда, яқинларда шунча ижобий таассурот уюмган ИГИТНИ Котиллик қилишга нима ундади экан?

1971 йилда туғилган Андрей Голованов Сурхондарё вилоятининг маркази — Термизда воёга етди. Ёшлигидан турли спорт ўйинлари ва тўрақларга катнашиб, келажақда бир касбнинг моҳир устаси бўлишни ният қилди. Бироқ, ўспирлиқнинг ўтар даврими ё атрофдагиларнинг таъсирими, бола ёшлиқдаги озуларидан йироқлашиб кетди. Мактабни битиргач, насос станцияси бошқармасига ишчи бўлиб кирди. Бир йил ишлагач эса муддатли ҳарбий хизматга кетди. Хизматдан қайтган, Андрей яна олдинги жойида ўз ишини давом эттира бошлади. Бироқ, бу даврга келиб Андрей алкокол ва наркотик моддаларни истеъмол қилишни қанда қилмасди. Шунга яраша унинг атрофида спиртли ҳамда наркотик моддаларга ружу қўйган ошна-оғайнлар йиғила бошлади.

1996 йил 10 март куни Андрей Голованов ўз ошалари Дмитрий Викчанов ҳамда Дмитрий Кокорин билан учрашиб қолади. Юз-юз отилган арокдан кейин уларнинг гаплари факатгина пул етишмаслиги, яшаш қийин бўлиб қолганлиги борасида айланб қолади. Гап орасида оғайнлардан бири Дмитрий Викчанов Егоров Виктор деган таниши борлигини, теле ва видеоаппаратуралари таъмирлаб Россияга кетиш мақсадида анчагина пул йиғиб қўйганлиги хақида айтиди. Хали гапнинг мазмунини чиқиб улгурмаган дўстларига Викторни тунашни таклиф қилганида ширакайф шериклар бу таклифни жон деб қабул қилдилар.

1996 йил 12 март. Белгиланган кунни кечга яқин шериклар Головановнинг уйи олдида учрашадилар. Дадиллик учун бир шиша «Лимонная» арогини ичиб, жиноят режасини тузиб олишади. Қора ниятдаги уч оғайин Виктор Егоровнинг Гагарин кўчасидаги хонадонига қараб йўл олишади.

Андрей Головановнинг кўрсатмасидан: «Биз режага кўра Викторнинг уйига кириб, аввалдан олинган арконлар билан уни боғлаб пулларини олиб чиқиб кетмокчи эдик. Бироқ кейин режа ўзгарди...»

Эшик тақиллагач, ҳеч нарсадан хабари йўқ Виктор ташқари эшикни оғанида рўпарасида бошларига қора шапкаларни тортиб олган учта эркакни кўради. Кетма-кет тушган зарбалардан ўзини йўқотган Виктор бошларини ёрдамга қақришга ҳам улгурмади. Жиноятчилар унинг озгина лата тикчи, қўшни хонага судраб чиқишди. Тўполондан безовталаниб чиққан Викторнинг онаси, кекса Анна хола ҳеч нимага тушуниб улгурмасдан бошига, танасининг бошга қисиларига тушган кучли зарбалардан пулга йиқилди. Жиноятчилар кампирнинг озгина ҳам лата тикчи, матраслар солинган қўшни хонага судраб чиқишди.

Андрей Головановнинг кўрсатмасидан: «Биз Викторни теле ва видеоаппаратуралари таъмирлайдиган хонасига олиб чиқдик ва стулга ўтиргазиб қўйдик. Унинг онасини эса қўшни хонага ташлаб чиқдик ва иккаласини ҳам боғлаб қўйдик. Егоровдан пул сўраганимизда, у аввалгига пулни уйда сақламаётганини, агар тегинмасак пулларни эртага олиб келиб беришини айтиди. Бу гаплар менга ҳам, шерикларимга ҳам хуш келмади, ахир эртасига у милицияга хабар бериши мумкин эди-да...»

Бу гаплардан хафсаласи пур бўлган жиноятчилар Егоровнинг бўйнига аркон ташлаб уни бўга бошладилар. Босқинчиларнинг ниётлари қатъий эҳлагини англаган Виктор уларга пулар қаверда яширинганлигини айтиб, уни ва онасини тирик қолдиришларини сўради.

Андрей Головановнинг кўрсатмасидан: «Егоров пулларни қаердалигини айтгач, Кокорин иккимиз унга қараб туриш учун қолдик. Дмитрий Викчанов эса пулар яширилган хонага чиқиб, уларни олиб келди. Шундан сўнг биз хонадоннинг коридорига чиқиб, энди нима қилишни масқалашдик ва уларни ўлдирिशга келишдик, асқ ҳолда ҳазир юзларимизни кўрган Виктор Егоров милицияга хабар бериши аниқ эди.»

Котиллар режага мувофиқ олиб келинган аркон билан Егоровни ҳам, унинг онасини ҳам бўғиб ўлдирди.

Сўнг қўлга киритилган пул ва кимматбаҳо буюмларини олиб, бирин кетин уйни тарк этди. Конундан қочиб қутулдик деб ўйлаган жиноятчиларнинг ишига тегишли баҳо берилди. Малакали тергов ва суриштирув ишлари натижасида, деярли 10 йил муқаддам содир этилган жиноят очилди. Суднинг ҳукмига кўра, қотилларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди. Кингир ишининг қийғи қил йилда ҳам чиқади, дея донч халқимиз бекоорга айтмаган. Бировнинг мулжига қўз олайтириб, тезда бойиш мақсадида жиноятга қўл урганлар ишни имми-жонинда амалга ошириб, қутилиб қоламиз деб ҳаёт ўйлайдилар.

Шавкат ТАШХОҶЖАЕВ,  
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

2006 йил декабрининг сўнгги туни. Ҳамма хонадонларда тўкин-сочин дастурхон атрофида байрам нишонланаётган эди. Андижон шаҳрининг 4-кичик даҳасидаги 9-«в» уйининг 2-хонадони бекаси Мамлакатхон шамоллаб келиш учун ҳовлига чиқди. Шу пайт унинг нигоҳи дарвозанинг ичкарисида турган қора целлофанга тушди-ю, бирдан сергақланди. У уйга шошиб қайтди-ю ўғлига маъноли қаради.

— Жамшидбек, дарвоза ёнига кимдир целлофан халта қўйиб кетибди. Тегингани кўрдим.

— Нега кўрқасиз, биронтаси янги йил совғаси деб қўйиб кетгандир-да. Қани, қаерда? — у ташқарига йўналди.

Жамшидбек целлофанга боқиб жилмайди. Чунки ундан «шарбат» деган ёзуви бор тўртбурчак идиш кўриниб турарди.



# СОВҒАДАН ЧИҚҚАН БОШ

— Зўр-ку, — Жамшидбек целлофани кўлига олди, — Ие, ёнида битта коньяк ҳам бор экан.

Целлофани ичкарига олиб киришиб, ундан коньяк, пистабодом, қази ва иккита сочиқни олишди.

— Айтдим-ку совга деб, — иккала кафтини бир-бирига яна қалда Жамшидбек. — Ичиди анча битта пакет бор экан. Буниси гўшта ўшааяпти.

Жамшидбек кўк целлофани очди-ю, кўржиб кетиб, рангги бўздек оқариб кетди. У гўшт деб ўйлаган нарса буйнидан кесиб олинган одамнинг калласи эди.

Уйдагилар ҳам кўрқувдан серрайиб қолишди. Хайриятки, оила бошлиғи Валижон Тошматов олдинроқ ҳўшига келиб, ёқасига туфлади.

— Уларнинг босиб олинганлар. Хозир мен милицияни чақириб келаман.

Шундай дея у шошганча ташқарига чиқиб кетди. Энди уйдагиларни кўрқувдан қалтироқ босди. Целлофандан калла чиқисини ким ўйлабди, дейсиз. Тошматовнинг хонадонига байрам кайфиятидан асар қолмади. Қўя ўтмай етиб келган тезкор гуруҳ ҳам бу жумбоқни ечиши осон кечмади. Целлофанга солиб ташлаб кетилган калланинг танаси қаерда? Бунни ким ташлаб кетган? Мархумнинг қотили ким?

Биринчи навбатда номаълум инсон боши шу атрофда яшовчиларга кўрсатилиб, унинг кимлигини аниқлашга киришилди. Ниҳоят кимдир буни 2-кичик даҳа 52-уйининг 24-хонадонига яшовчи Жўрабек Қодировга ўшашлигини айтди. Тезкор гуруҳ дарҳол ўша манзилга йўл олди.

Аммо уй эшиги берк эди. Уни қанча тарақлишмасин, ичкаридан ҳеч ким овоз бермади. Эшикни лом билан бузишга киришилгандагина, ичкаридан кимдир қўлга қалип солгани эшитилди. Фурсат ўтмай эшик очилиб, бир йиғит чиқди.

— Бу уй Жўрабек Қодировга қарашлими?

— Ҳа, ўшанга қарашли. Уни ҳамма Незмат дейди.

— Сиз ким бўласиз? Нега эшикни дарҳол очмадингиз?

— Мен Бахтиёр Жўраев бўлман. Бу уйда ижарада турман. Бемаҳалда эшикни очгани кўрдим.

— Қани ўша Незматнинг ўзи?

— Янги йил киришига ярем соатча қолганда чиқиб кетувди.

— Қаёққа кетаётганини айтганими?

— Айтган. Шу кичик даҳанинг ўзиди яна битта уйи бор. Ўша

ни биргалиқда ўтказамиз. Аммо кутилаётган меҳмон келавермади. Фақат кечки соат 23.00 ларда Незматнинг чўнтак телефони жиринглаб қолди. У телефонни қулогига тутиб, «келавер, уйдаман», деди.

— Энди сен чикиб тур, — деди Незмат оғайнисига. — Бочганинг қоровули билан гаплашиб турсанг, Носир кетиши билан ўзим сени чақириб олам.

Шундан сўнг Бахтиёр бочганининг қоровули билан суҳбатлашиб ўтирди. Бироқ Незматдан дарак бўлавермагач, уйқуси келиб, 52-уйининг 24-хонадонига ухлагани кетди. Негаки, Носирнинг нима учун Незматнинг олдига келиши унга яхши аён эди.

Незмат синглиси Муҳаббат билан шерик бўлиб тиллафурушлик қилаётганди. Шу орада Незмат ўртадаги сармайдан Носирга 500 доллар қарз берди. Шунда Муҳаббат акасига:

— Дастмояни камитиб қўйдингиз-ку, ака. Бунақдада ишларимиз орқага кетиб қолади, — дейди.

— Икки ойча чидаб турамыз, — жавоб қилди Незмат. — Носир уйланмоқчи. Унга 500 доллар зарур бўлиб қолибди. Узоғи билан икки ойдақайтарар

— Ҳа, ака, нега қўлингизни боғлаб олдингиз?

— Йўлда иккита безори билан жанжаллашиб қолдим, — жавоб қилди у. — Ойна қўлимни кесиб кетди.

— Қани, улар? Юринг, биргалашиб адабини берамиз.

— Улар кетиб бўлишди. Қўяверинглар, қўлим тузалиб қолади.

Кўча қоронғи бўлгани учун Носирнинг жиянлари ва опа-сингиллари унинг кўртасидаги қон доғларини сезишмади. Уларни уйга олиб келгач, Носир машинани кўнчисига қайтариб бериб орқасига қайтаркан, белидаги пичоқни йўл-йўлакка қудуққа ташлаб юборди. Сўнг уйга қайтгач, хотинига қон теккан кийимларини ечиб бериб, дарҳол ювиб қўйишини тайинлади.

Носир ҳамма режаларини хамирдан қил суғургандай бажардим, деб ўйлаганди. Нима қилганда ҳам энди Незмат қарзини сўраб безовта қилмади. Лексин унинг режаси ҳам хомхаён бўлиб чиқди. Тезкор гуруҳ томонидан тонг саҳар чоғи Носир қўлга олинди.

У Носир Тошматов бўлиб, Андижон шаҳридаги Гулистон кўчаси, 3-уйда яшаб келган. Иш жойини тайини бўлмаган бу шахс Саноат кўчасидаги автомобилларга ёнилғи қўйиш шаҳобчасида рўйхатда турмасдан югурдак бўлиб хизмат қилиб турган.

Бировнинг бойлиги бировга ҳеч қачон насиб қилган эмас.

Носир Тошматов суд ҳукми билан қилмишига яраша жазо олди. Ким бировга жафо қилса, бир кун келиб унинг ўзи ҳам жафо тортмай қолмайди.

3. РУСТАМОВ,  
Андижон вилоят прокуратураси бўлими прокурори

уйда тунаб қолишам мумкин. Тезкор гуруҳ аъзолари уйни кўздан кечириб, жиноятга даҳрлор ҳеч қандай из топиша олмади. Шундан сўнг Бахтиёр Жўраевга кўк целлофандаги каллани кўрсатишди.

— Незмат деганингиз манови эмасми?

— Ўшаяпти, — эътироф этди Бахтиёр.

Энди тезкор гуруҳ аъзолари мархумнинг иккинчи уйига йўл олишди. Кўк целлофандаги калланинг жасади ўша хонадондан топилиб.

Дастлабки тергов жараёнида маълум бўлдики, мархум Жўрабек Қодиров бирор жойда ишламай, бозорда тиллафурушлик билан шуғулланиб келган. Бахтиёр эса мархумнинг энг яқин сирдош дўсти бўлган. Незматнинг қотили уни бойлигини қўлга киритиш учун қасд қилган бўлиши мумкин, деган хулосага келишга асос бор эди.

Аммо қотил ким? Нега Незматнинг калласини танасидан айириб, бировнинг ҳовлисида ташлаб кетди?

Бу қотилликнинг илдизи Бахтиёрга ҳарқалай анча-мунча аён эди. Ўша кун Незмат оғайниси билан байрамни қутиб олиш олдидан биргалиқда «Янги бозор»га келишиб, байрам дастурхони учун нарсалар харид қилишди. Бир шиша «Беркут» коньяги, пистабодом, қази ва олма олишиб уйга келишди. Байрам дастурхонини тузашаётганда Незмат оғайнисига деди:

— Овқатни тезроқ пиширайлик. Бугун Носир келмоқчи. У келиши олдин сен ташқарига чиқиб турсан. Уни кузатиб олганимдан кейин ўзим сени чақириб келаман. Кейин байрам

экан. Аммо қарз айтилган мuddатда қайтарилмади. Муҳаббат икки куннинг бирида акасига бу ҳақда эслатавериб, унинг жонига ҳам тегиб кетди. Ўз на-вбатда Незмат ҳам Носирдан олган қарзини қайтаришини эслатиб чарчиди. Ваъда шундай бўлди-ки, Носир қарзни 31 декабрь кунни кечки пайт олиб келиб беришга келишади. Шу боис Носир келиши билан Незмат унга савол назари билан қараб:

— Қарзини олиб келдингизми?

— деди.

— Намунча қимтамасанг?

— Биласан, сенга берган қарзимиз синглим билан ўртасидаги пулдан эди. Шунинг учун бугун беради деганман. Олганин-га ҳам беш ой бўлди ахир.

— Кейинроқ олсан уни.

— Йўқ, бугун берасан. Бермасанг, айрим кирдикорларингни ҳаммага айтиб юбораман.

— Оббо ношқур-э! Мени шарманда қилмоқчимисан ҳали? — Носир шундай дея ёнидан ўткир тигли пичоғини олади. Кейин Незматнинг томоғига санди.

Пичоқ Незматнинг жағига тегиб, тилиб юборди. Иккиси пичоқни талашиб, олиша кетишди. Аммо пичоқ зарбидан сўнг Незмат ҳолсилланиб қолганди.

У рақибига қаршилиб кўрсатилмай полга гурус этиб қўлади. Носир эса пичоқни Незматнинг тўри келган жойига ураверди. Сўнг Незматнинг устига миниб олиб, калласини танасидан батамом ажратиб олди.

Шундан сўнг Носир ваанача қилиб кириб, қўларини, пичоқни ва кўртасининг қон теккан жойларини ювиб, қўлининг кесилган жойини боғлаб олди. Албатта, у бундай жиноятга олдиндан тайёрланиб келганди.



## Қарорга шубҳа



Украина маҳаллий Конституциявий судининг судьяси Сюзанна Станик мамлакат президенти Виктор Юшченконинг 1 май куниндаги фармойиши билан ўз лавозимидан озод этилди. РИА Новости ахборот агентлигининг хабар беришича, судья Станик қасамёдни бузганлиги учун ишдан бўшатишди. Бир кун олдин эса айнан шундай яннинг ишдан бўшатилиши Конституциявий суд судьяси Валерий Пшенничий ҳам ишдан озод қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, бу икки судьянинг ишдан бўшатилиши Конституциявий суд томонидан президент Юшченконинг мамлакат парламенти — «Олий Рада»ни тарқатиш ва навбатдан ташқари сайловларни ўтказиш тўғрисидаги фармони Конституцияга мувофиқлиги қўриб чиқилаётган бир пайтда руй берди. Парламент депутатларининг аксарияти судьяларни лавозимидан озод этиш ҳақидаги фармойишларнинг қонуний эканлигига шубҳа билдиришмоқда.

## ИПСВИЧДАН ЧИҚҚАН МАНЪЯК

Англия шарҳида жойлашган Ипсвич шаҳрида қотилликлар содир этишда гумон қилинаётган шахс ўз айбини рад этмоқда. 49 ёшли Стив Райт 2006 йилнинг 2 декабридан 12 декабри оралиғида шаҳарнинг турли жойларида ўлдирилган, ёши 19 дан 29 ёшгача бўлган бешта фоҳишанинг ўлимига алоқаси йўқлигини таъкидламоқда. France Presse ахборот агентлигининг хабар беришича, Райт 2006 йилнинг 19 декабрида ўз уйда ҳибсга олинган, 21 декабрда эса унга айб эълон қилинган. Ушунда терговчилар тўплаган далилларга асосланиб, қотил Стив Райт эканлигига шубҳа йўқлигини айтишган. Стив Райт устидан қўзғатилган жиноят ишини судда Райт чикши эса 2008 йилнинг 14 январь кuni бошланади.



## Ислоҳотчи бош вазир

Туркия бош вазир Режеп Эрдоган мамлакатда муддатидан аввал парламент сайловлари 24 июнь кuni ўтказилишига ҳаракат қилишини билдирди. France Presse ахборот агентлигининг хабар беришича, Туркия ҳукумати раҳбари мамлакатнинг бош қомусига ҳам ўзгаришни киритишни таклиф этган. Унга қўра, мамлакат президенти парламент томонидан эмас, балки умумхалқ овоз бериш жараёни орқали сайланиши лозим. Шунингдек, Эрдоган жаноблари парламентга сайланадиган депутатлар беш йилга эмас, балки тўрт йилга сайланиши борасидаги таклифларни ҳам билдирди. Эслатиб ўтиш жоизки, Туркия Конституциявий суди президентликка бўлиб ўтган сайловларнинг биринчи босқичи натижаларини бекор қилди, ушбу сайловларда бош вазир томонидан тавсия этилган номзод Абдулла Гул етарлича овоз йилга олмаган.

## Киберҳужумчилар аслида кимлар?

Сешанба кuni Эстония ташқи ишлар вазир Урмас Паэт Европа Иттифоқига мурожаат қилиб, Россияга қарши санкциялар жорий этишни ва шу йилнинг май ойи ўрталарида ўтказилиши белги-ланган Россия-ЕИ саммитини қолдиришни сўрагани ҳақида баёнот берди. Эстония ташқи ишлар вазирининг таъкидлашича, Россиянинг Эстонияга нисбатан «хуруж» тўғрисидаги Европа Иттифоқига ҳам қаратилган. Паэт тез орада баёнотда кўрсатилган важларни тасдиқловчи далилларни ҳужуматга тақдим этишни билдирди. Унинг айтишича, Эстония ҳукуматиининг интернетдаги сайтларига қарата амалга оширилаётган ҳақерлик ҳужумлари айнан Россия компьютерларининг ишидир. Postiness наشري тарқатган хабарларга қўра, Паэтининг таъкидлаши-

ча, киберҳужумлар илдизи ҳаттоки Россия президенти маъмуриятига ҳам олиб боради. Эстония ташқи ишлар вазир бронзадан ясалган солдат ёдгорлиги масаласи ва Таллиндаги воқеалар мамлакатнинг ички муаммоси эканлигини эслатиб ўтди ва Россия Федерацияси давлат Думаси депутатларининг Эстония ҳукуматини истеъфога чиқариш тўғрисидаги таклифини бошқа давлатнинг ички ишларига аралашши деб баҳолади. Шунингдек, Урмас Паэт Россия ҳукуматини Эстония пойтахти Таллиндаги иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага бағишланган ҳайкал олиб ташлангандан сўнг келиб чиққан тартибсизликларнинг ташкилотчиси деб айблади ва Эстониянинг Россиядаги элчихонасининг Россия ёшлар ҳаракати аъзолари томонидан қуришова

ушлаб турилиши ва норозилик намойишлари ўтказилиши ҳам айнан Кремль раҳбариятининг иши эканлигини айтди. Эслатиб ўтиш жоизки, Россия ҳамда Эстония ўртасида дипломатик муаммолар келиб чиқишига расмий Москва эътирозига қарамадан Эстония ҳукуматининг Таллин марказида жойлашган иккинчи жаҳон урушидаги ғалаба шарафига ўрна-тилган жанчи ҳайкални ҳарбий қабристонга кўчи-риш ҳақидаги қарори сабаб бўлди. Ҳайкал кўчи-рилганидан сўнг 27-28 апрель кунлари Таллинда катта тартибсизликлар юзга келиши натижаси-да Россия фуқароси ҳалок бўлди.



## Порахўрлик—иллат

Интерфакс ахборот агентлигининг хабар беришича, сешанба кuni Волгоград вилоятининг ИИББ бошлиғи Михаил Цукрук ва вилоят ИХХБ бошлиғи Флорид Салимьянов суд қарорига қўра ҳибсга олинди. Волгоград вилоят прокуратураси вакилларининг маълум қилишича, мазкур икки мансабдор шахс порахўрлик, хизмат вазифасини сунистеъмоқ қилиш ва хизмат вазифаси ваколати доирасидан чиқиб жиноятларини содир этишда гумон қилинмоқдалар. Ҳозирча ушбу мансабдорларнинг иши ҳусусида тафсилотлар ёритилмапти. Ахборот агентлигининг маълум қилишича, Цукрук Волгоград вилоят ИИББ бошлиғи лавозимига 2006 йилнинг январьда, Бурия Республикаси ички ишлар вазир лавозимидан озод бўлгач тайинланган. Салимьянов эса ўз лавозимига 2006 йилнинг сентябрь ойида тайинланган.

## Норози номзодлар

Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, Франция миллий fronti партияси етакчиси Жан-Мари Ле Пен ўз тарафдорларига мурожаат қилиб, жорий йилнинг 6 май кuni мамлакатда ўтказилиши мўлжалланган президентлик сайловларининг иккинчи босқичида иштирок этмасликка қақирди. Унинг таъкидлашича, на Социалистлар партияси номзоди Сеголен Руаяль, на ўнг кучлар вакили Никола Саркози Ле Пен биринчи босқичида йилга олган сайловчиларнинг 10,44 фоиз овозига лойиқ эмаслар. «Мен, — дейди ўз нутқида Ле Пен, — ўз тарафдорларимни Руаяльга ҳам, Саркозига ҳам овоз бермасликка ва сайловларнинг иккинчи босқичида умуман қатнашмасликка қақирдим». Жан-Мари Ле Пеннинг бундай фикр юритишини тушуниш мумкин. Чунки 22 апрель кuni бўлиб ўтган президентликка сайловларнинг биринчи босқичида Ле Пен жаноблари 10,44 фоиз овоз йиғиб тўртинчи ўринда қолган. Бу рўйхатда 31,11 фоиз овоз билан «Халқ ҳаракати учун иттифоқ» партияси номзоди Никола Саркози етакчилик қилмоқда. Иккинчи ўринда 25,84 фоиз овоз билан Сеголен Руаяль, марказчилар номзоди Франсуа Байру эса 18,55 фоиз овоз тўплаб учинчи ўринни эгаллаб турибди. Ўтказилган сўровларга қўра, иккинчи босқичида Сеголен Руаяль Саркози устидан ғалаба қозониши мумкин. Эслатиб ўтамиз, сайловларнинг иккинчи босқичида биринчи босқичида энг кўп овоз тўплаган икки номзод президентлик курсиси учун кураш олиб боради.



## ВАЗИР ИСТЕЪФОСИ

Исроил ҳукуматининг вазир Эйтан Кабель 1 май кuni ўзининг истеъфога чиққан-лигини эълон қилди. Jerusalem Post нашрида ёзилишича, вазирнинг истеъфога чиқишига Ливанда олиб борилган ҳарбий ҳаракатларнинг қаттиқ таъкид остига олиниши сабаб бўлди. Шундай қилиб, зиммасига оммавий ахборот воситаларини назорат қилиш вазифаси юклатилган вазир Ливанда олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар давомиди йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўрганаётган комиссиянинг маърузасида: ч сўнг истеъфо берган. Ҳуқуқшунос Йоси Фукс эса Исроилдаги Олий адолат судига мурожаат қилиб, Эхуд Ольмертни ўз лавозимидан озод этишни сўраган. Айни дамда Исроилда ҳукуматнинг фаолияти борасида қарама-қарши фикрлар айтилмоқда.



## Қочаман деб...

Красноярскда таниқли тadbир-корнинг уйига ўғирликка тушган жиноятчи милиционерлардан қочаётиб уйнинг тоmidан қулаб тушиб, ҳалок бўлди. РИА новости ахборот агентлигининг маълум қилишича, милиция вакиллари иккинчи гумонланувчининг ҳибсга олишига муваффақ бўлишган, учин-чисига нисбатан эса федерал қиди-рув эълон қилинган. Воқеа тафсилотлари ривож қуйидагича бўлган. Жиноятчилар 1 май кuni эрталаб уй эгаси айни кунга чоғланаётганда беш қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган хонадонга бостириб киришган. Tadbirkor жисмонан бақувват киши бўлгани боис уларга қаршилик кўрсатган ва милицияга қўнғироқ қилишга ултурган. Бир неча дақиқада воқеа жойига етиб келган милиционерлар ўғирлардан бирини ушлашган, иккинчиси эса уйнинг томи орқали қочмоқчи бўлган, бироқ тойиб кетиб бешинчи қаватдан паства қулаган, учинчи жиноятчи қочиб қолган.



«Internet» хабарлари асосида Д.ШМУРОДОВ тайёрлади

## Миллийлаштириш ютуғи

Венесуэла ҳукумати мамла-катдаги нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш борасидаги барча лойиҳалар устидан яқка тартиб-да назорат ўрнатди. Биринчи май кuni мамлакатда президент Уго Чавеснинг нефт компаниялари-ни миллийлаштириш тўғрисидаги қарори кучга кирди. Миллий-лаштириш «Ватан, Социализм ёки ўлим» шiori остида амалга ошириллапти. АКШнинг «Сопо-соPhilips», «Chevron», «Exxon Mobil», Буюкбританиянинг BP, Норвегиянинг «Statoil» ва Фран-

циянинг «Total» компаниялари Уго Чавеснинг қарорига сўзсиз бўйсунди. Бироқ миллийлаш-тириш учун компанияларга тўла-надиган тўловлар миқдори ва уларнинг шартлари ҳусусида аниқ маълумотлар баён этилмаган. Янги эгалланган корхоналарни PDVSA давлат компанияси бош-каради. Бошқа имкониятлар қато-рида Венесуэла ҳукумати Орино-ко дарёси ҳавзасидаги жойларни ҳам қўлга киритди. Маълумки, ушбу дарё атрофида катта нефт захиралари мавжуд. Ҳозирги кун-

га қадар мазкур ҳудудда 30 мил-лиард долларлик тўртта лойиҳа ишга туширилган. Таъкидлаш лозимки, Венесуэланинг яна бир қўшниси Боливия ўтган йилнинг май ойидаёқ нефт соҳасини мил-лиийлаштириш дастурини амалга оширган эди. Боливия президенти Эво Моралеснинг таклифига қўра, чет эл тadbirkorлари YPFB давлат компанияси томонидан ажратилган, улар томонидан қазиб олинган тошмашининг яри миқдориди тўловларни олади-лар, холос.

## Huquq

юрidik gazeta  
Ta'asischi:  
O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

Bosh muharrir:  
**Jahongir MAKSUMOV**  
Tahrir hay'ati:  
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV,  
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir  
o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir  
MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV,  
Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul ko'nb)

Tahririyat manzili:  
Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 133-98-82,  
133-10-53.  
E-mail: huquq97@mail.ru  
Faks: 133-64-85, 133-10-53.  
Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida  
0188-rag'am bilan no'xyatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va  
suratlar egalariга qaytarilmaydi.  
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan  
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan  
ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan  
olinganligi ko'rsatish shart. Tjorat  
ahamiyatiga molik materiallar \*\*  
belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 455. 19 788 nusxada bosildi.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va  
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: **A.MUSTAFOVULOV**  
Musabihhi: **A.MUSTAFOYEVA**  
Gazeta «Sharq» NIM bosmaxonasida ofset usulida  
chop etildi. Korxon manzili: Toshkent shahar,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta  
haftaning  
payshanba  
kunlari  
chiqadi.  
Sotuvda  
erkin narxda

Тўйхат ўрнида

Тун ярми. Ёмғир шаррос ёғаяпти. Юпқа, қўлбола селлофан ёмғирпўшга бурканган одам ўзини беш қаватли уезун бинонинг биринчи қоронғу подъездига урди. Чўқалаб тимирскиланди. Овоз чиқармасдан, пайтасини иккинчи қаватга кўтарилди. Гугурт қақиб, эшиклардаги рақамларни ёритди. Чап тарафдаги «6» рақамли эшикни кулфочар ўғри сингари ингичка, лекин бигиздай қаттиқ симчада очинга уриниб кўрди. Афтидан гўрлиги панд берди. Ноилож кўнгирак тумгачасини босди. Бетоқатлашиб, яна жиринглатди.

— Ким у? — уйқусираган нотаниш эркак овози уни саросимага солди. Журфакни ростлашга чоғланганда эшик очилиб, дахлиз чироғи кўзини қамаштирди.

— Опа уйдами?  
— Тушингдан кўрқдингми, ярим кечаси? Бу кеча мен билан. Эртага бўш.

— Жудаям зарур гапим бор. Айтаман-у, кетаман. Майкачан, буйи ўзининг елкаси баробар, кўринишиндан қирқ ёшлардаги мижти бақалок тўнгилаб, дахлизда олдиға тушди. У эшикни охишта беркитди. Тўсатдан меҳмонхона чироғини ёндирган бақалокқа ташланди, шартта ўнг билагини бўйнидан ўтказиб бўғди. Чап қафтидаги хўл рўмонча билан оғзи-бурини ёпди. Семиз беҳол шалвираб қолгач, гиламга ётқизди. Эшик қия очик, меҳмонхона чироғи ётоқxonани гира-шира ёритиб турарди. Бояги рўмончани кенг, ўймакор ёғоч каравотда усти очилиб, қалқанча ухлаб ётган аёлнинг даҳанага босди. Аёлнинг оёқ-қўли бирикки типирчилаб тинчиди. Меҳмонхонада беҳуш ётган бақалокни ётоқxonага сурлади-ю, каравотга кўтариб ётқизгани кучи етмади. Каравот ёнига кўрпа-ёстиқ тўшаб, уни бир юмалатиб ётқизди. Дераза ва дарчаларни, меҳмонхона ҳамда ошхонанинг балконга очилган ойнаванд эшикларини беркитиб қўйди. Дахлизнинг кулранг линолеум қопланган полидаги лойқа оёқ изларини латтада арғиб ташлади. Ваннахонада одатда жарроҳлар кийадиган оқ резина кўлқопни ечмадани сувга

буюрди. Хосиятхон ёлғиз эди. Уз-ўзидан чакаги очилди.

— Гап орамизда қолсин-у, худони қаҳрига учради ўзиям, жазманим...  
— Қайси гуноҳларни учун?  
— Фоҳишалик қилиб, бировларнинг уйини бузиб... Бузуқлиги бошига етди. Бирданига иккита эркак билан...

— Уша тунда-я?  
— Ҳа-да! Ҳалиги, ўлганни шериги кетвормаганду, уям...

— Икки киши келишганмиди?  
— Келганларини кўрганим йўғ-у, биттаси чиқиб кетганини биламан. Ёмон туш кўрибман, чўчиб уйғондим. Нафасим қисилди. Ётоқxonамиз деразасини очиб пастга қардим. Деразамни рўпарасидаги симёғоч чироғи ёруғида кўрдим уни!  
— Йўловчидир, кучада ўтиб бораётгандир...  
— Бизни подъезддан кичди. Эртасига кўшини



Исроил ИБРОХИМОВ

# Қисофатнинг басари

хотинлар йиғилганида ўсмоқчилаб сўраганман. Кечаси бошқа ҳеч қимни уйдан ҳеч зог ташқарига чиққани йўқ. Дўхтирниям телефонда мен қақирдим. Эрталаб эшигидан газ иси тарқаяпти. Кўнги-роғини чалдим, чиқмади. Ширкатимизнинг устаси мени уйимни балконидан кириб, плитасини ўчирди. Деразаларини очиб уйини шамоллатайлик десак...

Ётоқxonасида икковиям беҳуш ётипти. Маҳбуба-хон газни атайлаб очиб қўйгани йўқ. Ўзини жонига қасд қиладиган хотинмас. Беттачоплар, унча-мунча галкор қилмайди. Қўни-қўшнлар қарвонсарой қилиб қўйдиг уйни, деб ўртага олишганида, «бўпти, мени боқиб кийинтиринглар, ўзимни сотмайман», дея ҳаммани оғзига урган. Беор, беномус ўзини ўзи заҳарлайдими? Уларни тез ёрдам машинасига юклашаётганида оқ халатли врач кечқурунги одамни эсимга солди. Оқ ёлпичини бор эди. Зинапоядаги, останадаги яланг оёқ излари-чи? Мелиса келгунча супириб, ювиб қўйишмаганда...

Подъездимизда Маҳбубадан бошқа қўни-қўшнлар аҳил, навбат билан эрталаб зиналарни супириб-сидириб турарди. Ҳа-я, ўша куни аддашмасам, Озодхоннинг навбати эди, учинчи қават, еттинчи уйда туради...

— Нимага айтмагансиз бошида шунча гапни?  
— Ўтгани ёмонлаш гуноҳи азим! Лекин биров атайлаб газ билан заҳарлапти деган миш-мишлар кўпайгандан кейин уйлаб кўрсам, шунақага ўхшайди...

Фожеа куни подъездни супуриб-сидирган қўшни аёл яланг оёқ изларини аниқ-тиник эслолмади. Собиржон Аслонов марҳумани таниган-билганлардан сўраб-суриштириб, Хосиятхоннинг «Маҳбуба ўзини ўлдирмадиган хотинлардан эмасди» деган сўзларига фикран қўшилди. У ўттиз ёшга кирган. Эрга тегмай, никоҳсиз битта бола туғиб олган, иккинчи синфда қўйётган ўғли қишлоқда, бобоси-бувисининг қўлида. Енгилёёқ умрининг ҳар лаҳзасини кайфу сафо, уйин-кулгуда ўтказишдан бошқа нарсани хаёлига келтирмаганига шак-шубҳа йўқ. Тиббий экспертиза хулосасида иккала мурдада ҳам жарроҳлар қўлайдиган, вақтинча хушсизлантирувчи нарқоз асорати борлиги қайд этилган. Пинҳона ишқ оғушида ўзларига ўзлари нарқоз беришлари мантқиққа зид.

Дастлабки таҳминлардан бири — сулоққонинг жазмани, марҳум Икром Қўлдошевнинг рафикаси жиёнатга, хўрликларга чидамай ака-укаларига арздод қилиб, ёки қотил ёллаб эри ва қундошидан ўч олган бўлиши ақтимондан холи эмас эди. Бирок Евёвонда, чека қишлоқда турадиган, «шаҳар кўрмаган» содда, шарму хаёли бева аёл билан дастлабки сўхбатдаёқ бу таҳминдан воз келишга тўғри келди. (Давоми эсласи сонда.)

## Ҳаёт зийнати



Умрнинг тенгсиз лаҳзалари оқар сувдек ўтаверди. Ўтган умрнинг мазмуни эса ҳаётдаги эзгу ишлар билан ўлчанади. Прокуратура фахрийси, ҳозирда табаррук 75 ёшга қарши олаётган Убайдулла Шодиев ҳам бутун умрини яхшилик қилишга сарфламоқда. У киши прокуратура органларидаги қарийб 40 йиллик фаолиятини қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ёш ҳуқуқшунос ходимларни

тарбиялашга сафарбар этди. Убайдулла Шодиев туман прокурорининг ёрдамчиси, Республика Бош прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим бошлиғи, Бош прокурор ўринбосари ҳамда Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. У кишининг ҳалол меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳо-ланади, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрис», «3-даражали Давлат алия маслаҳатчиси» унвонлари ҳамда «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. Табаррук ёшни қаршилаётган Убайдулла ака Шодиевга сихат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонига тинчлик ва осойишталик тилаб қоламиз.

## Шарафли умр йўли

Бутун 70 ёшни қаршилаётган Риқсийоб Шомақсулов ҳам 41 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар прокуратура органларида турли лавозимларда самарали хизмат қилди.

Бор куч ва билимининг қонунийликни мустақамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этди.

Риқсийоб аканинг касбга садоқати ва инсоний фазилатларини кўпчилик ҳамкасблари яхши билади ва қадрлайди. У кишининг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланган.

*Фурсатдан фойдаланиб, Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази кутлуғ ёшни қарши олаётган Убайдулла Шодиев ва Риқсийоб Шомақсуловни муоборқабод этиб, уларга мустақам соғлиқ, оилавий бахт ва узоқ умр тилаб қолади.*

### РЕКЛАМА

## «ФАРМЕД САНОАТ» хусусий корхонаси маълум қилади

### Хурматли истеъмолчи!

Биз сизнинг ишончингизни юқори баҳолаган ҳолда «Ринза таблеткалари №10» дори воситасининг келиши чиқиси номаълум, оригинал дори воситасига жуда ўхшаш қалбаки нусхаларини сотиб олишдан огоҳлантирмоқчимиз.

Қалбаки «Ринза таблеткалари №10» воситасининг серия рақамларини эслаб қолинг:  
— серия 011205, серия R013, серия 140106,  
— серия BT-173, серия 01402, серия U6170,  
— серия 110906, серия BT-172

Бу билан сиз ўзингизни қалбаки маҳсулотдан ҳимоя қилган бўласиз.

### «РИНЗА ТАБЛЕТКАЛАРИ №10» ДОРИ ВОСИТАСИНING ФАҚАТГИНА ОРИГИНАЛ НУСХАСИ ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШДА ЁРДАМ БЕРАДИ! ЎЗ СОҒЛИГИНГИЗНИ АСРАНГ!

Сизнинг ишончингиз — миллий ишлаб чиқарувчилар учун асосий кўмақдир!

## ИККИ ЙИЛДАН БУЁН РИНЗА ТАБ. №10 ДОРИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ 1-РАҚАМЛИ ВОСИТА ҲИСОБЛАНАДИ

### Энди РИНЗА таб. №10 голограмма билан

2007 йил 12 февралдан эътиборан «Pharmed sanoat» хусусий корхонаси дорининг аслини ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уни ГОЛОГРАММА — ҳимоялаш тизимини қўллаган ҳолда ишлаб чиқармоқда. ГОЛОГРАММА дори қути-сининг ҳар икки томонида жойлашган.



### Сизларга халиша омонлик тилаймиз!

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 399-55-00; 175-75-00

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси ШОҚИР КОДИРОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига ҳамдардик изҳор қилади.